

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ШУҲРАТ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҒАЛЛАЗОРИДА ТАРҚАЛГАН БЕГОНА
ЎТЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ АГРОТЕХНИК ВА КИМЁВИЙ КУРАШИШ
ТАДБИРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Ризаев Шухрат Худойбердиевич

Зарафшон воҳаси ғаллазорларида тарқалган бегона ўтлар, уларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш тадбирларининг самарадорлиги..... 3

Ризаев Шухрат Худойбердиевич

Эффективность агротехнических и химических мероприятий по борьбе сорными растениями, распространенных на зерновых полях Зерафшанской долины..... 26

Rizaev Shuhrat Xudoyberdiyevich

The effectiveness of agrotechnical and chemical measures to control weeds growing on the cereal fields of the Zerafshan valley..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ШУҲРАТ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҒАЛЛАЗОРИДА ТАРҚАЛГАН БЕГОНА
ЎТЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ АГРОТЕХНИК ВА КИМЁВИЙ КУРАШИШ
ТАДБИРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд кишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мўминов Комил Мўминович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ўразматов Назир**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Ирназаров Исматулла Ирназарович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Одилжан Олимжонович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: g.selek@qsxv.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида 234 млн. гектардан ортиқ майдонда буғдой экилиб, 729,0 млн. тонна дон етиштирилмоқда. Олинадиган дон ҳосилининг 95 фоизи эса кузги юмшоқ буғдой ҳиссасига тўғри келади. Дунё деҳқончилиги учун зарарли бегона ўтлар 59 та ботаник оилага мансуб бўлиб, 209 турни ташкил этади, жумладан, уларни 80 та тури ўта хавфли, 129 та тури эса нисбатан хавфли ҳисобланади. 209 турдаги бегона ўтларнинг 57 фоизини бир йиллик, 43 фоизини эса кўп йиллик бегона ўтлар ташкил этади.¹ Дунёнинг бир қатор, жумладан Хитой, АҚШ, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда бегона ўтларга қарши курашиш муаммолари агротехник ва кимёвий тадбирларни қўллаш орқали муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Дунёда буғдой етиштиришда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ундан самарали фойдаланишда тупроққа турли ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган ва чуқурлиги илмий асосланган. Ресурстежамкор минимал, No-till ва турли гербицидларни қўллаш технологияларни қўллаш натижасида тупроқ хоссаларининг яхшиланишига, экин майдонларини бегона ўт уруғлари билан ифлосланиши камайишига, дон ҳосилини ошишига ва сифати яхшиланишига эришилган. Шу жиҳатдан олганда, юқори ва сифатли дон олишда бегона ўтларнинг турлари ва экин майдонларини ифлослантириш даражасини ҳисобга олиб, уларни йўқотишда биологик, агротехник ва кимёвий усуллари қўллаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида қисқа муддат ичида «Дон мустақиллиги»га эришилди ҳамда дон етиштириш бўйича йирик давлатлар қаторидан ўрин олиб, буғдойни импорт қилувчи давлатлардан экспорт қилувчи давлатга айланди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада ғаллазорларнинг фитосанитар ҳолатини янада яхшилаш, бегона ўтларга қарши ресурстежамкор агротехник ва кимёвий курашишнинг илмий асосларини яратиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ <http://www.fao.org/homelen>, <http://www.icar.org.in>

ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот Республика Фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ғаллазорларда тарқалган бир, икки ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Agricultural and Mechanical University, Mississippi State University, University of Tennessee, Knoxville (АҚШ), University Agriculture and Agri-Food Canada (Канада), The Institute of Agricultural Engineering (Англия), University of Perugia (Италия), Indian Institute of wheat and Barley Research, Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон), Rural Development Administration (Жанубий Корея), University of Agriculture (Покистон), Department of Botany, National Research Centre (Миср), Россия донли экинлар илмий-тадқиқот институти, Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти (Россия), Ўсимликларни химоя қилиш, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари, Дон ва дуккакли экинлар, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент Давлат Аграр Университети, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тупроққа турли усуллар ва чуқурликда асосий ишлов бериш ҳамда турли гербицидларни қўллашга оид дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: ғаллазорлардаги бегона ўтларга самарали таъсир этувчи, буғдой дон ҳосили ва тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир этувчи тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган ва чуқурлиги илмий асосланган (Texas Agricultural and Mechanical University, Mississippi State University, The Institute of Agricultural Engineering (Англия), Cotton Research and Application Center); донли экинлар етиштириладиган ерларни тупроғини ағдармасдан юмшатиш, нол ва юза ишлов бериш, тўғридан-тўғри экиш каби тадбирларнинг тупроқни зичланиши, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги

² <http://www.iwbr.org>; <http://www.global.com>; <https://www.iagre.org>; <http://www.ver.nios.ac.in>; <http://www.agr.gc.ca>
<http://www.bioline.org>; <http://www.rda.go.kr> <https://www.extension.purdue.edu>; <http://www.agric.gov.ab.ca>
<http://www.agriinfo.in>.

Ўзгаришига таъсир этиш механизми ишлаб чиқилган (Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида (Россия)); ғаллазорлардаги бегона ўтларга, тупроқдаги микроорганизмлар сони ўзгаришига гербицидларни турли муддат, меъёрларда ва уларнинг аралашмаларини қўллаш технологияси ишлаб чиқилган (Agricultural University of Perugia (Италия), National Institute of Open Schooling – (VOS. Хитой), Institute agriculture and Agri-Food Canada (Канада), Royal agricultural University (Буюк Британия)).

Дунёда ғаллазорларда тарқалган бегона ўтларга қарши курашиш, донли экинлардан юқори ва сифатли, экологик тоза дон ҳосили етиштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: донли экинлар бегона ўтларига қарши курашишда ресурстежамкор минимал ва No-till технологияларни қўллаш; тупроққа асосий ишлов беришнинг усуллари ва чуқурлигини аниқлаш; тупроқларни бегона ўтлар уруғлари билан ифлосланишини олдини олувчи, тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хусусиятларини яхшиловчи ресурстежамкор воситаларни қўллаш; ғаллазорларнинг фитосанитар ҳолатини яхшиловчи, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминловчи ресурс ва энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги пайтда дунё деҳқончилигида бегона ўтларнинг систематикаси, оиласи ва турлари (С.Котт, А.Бешанов, А.Фисюнов, Е.Денисов, А.Царев), қишлоқ хўжалигига келтирадиган зарари (D.Wall, R. Lee, А.Туликов, Г.Груздев, А.Ликов, А.Сафонова), уларга қарши агротехнологик (Э.Талпсепп, В.Кирюшин, А.Риекстиниш, А.Абрамчук, Л.Пронько, В.Ульянчик, М.Бомба, М.Назаренко, И.Тиминский, Н.Кенжабекова) ва кимёвий (Т.Анжум, R.Вайва, R.Blackshaw, А.Алиев, А.Захаренко, А.Борин, И.Лобач, Т.Маханкова, В.Кожаев, Ю.Спиридонов, Т.Акулова) курашиш тадбирларини самарадорлигини ошириш борасида муайян тупроқ-иқлим шароитлари учун мос келадиган чора тадбирлар ишлаб чиқилилган.

Республикамизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларида кузги буғдойнинг бегона ўтларини систематикаси, биологияси, оила ва турлари П.Гомолицкий, В.Буригин, Ф.Жангуразовлар томонидан ўрганилган. Бегона ўтларга қарши агротехник (В.Кондратюк, З.Турсунхўжаев, М.Муҳаммаджонов, Қ.Мирзажонов, Б.Бахромов, Ф.Ҳасанова) ва кимёвий курашиш тадбирларини (Б.Алиев, М.Лазоватская, И.Либерштейн, А.Жарасов, Ж.Жаросов, А.Сагдуллаев, М.Шодмонов, Н.Турдиева, А.Юлдашев, С.Суллиева) ишлаб чиқиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган.

Аммо, Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта ва қуйи ҳудудларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда унинг бегона ўтларига қарши тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги, гербицидларнинг тури ва меъёрларини уйғунлашган ҳолда ресурстежамкор ва экологик хавфсиз агротехнологияларини ишлаб чиқиш комплекс ўрганилмаган ҳамда етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01980004512-рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги агротехнологияларни ишлаб чиқиш»нинг алоҳида бир бўлими сифатида; ҚХА-9-009-2015 «Зарафшон воҳаси ғаллазорларида тарқалган бегона ўтлар, уларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш тадбирлари» (2015-2017 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон воҳасининг суғориладиган типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой бегона ўтларига қарши курашишда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги, гербицидлар тури ва меъёрларини мажмуада уйғунлашган ҳолда қўллаш ҳисобига кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган агротехнологияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта, қуйи ҳудудларидаги ғаллазорларда тарқалган бегона ўтларнинг тур таркиби ва зарар келтириш хусусиятларини ўрганиш;

тупроққа турли ишлов бериш усуллари ва чуқурлигининг бегона ўтлар уруғларининг тарқалишига ва гербицидларнинг кузги буғдой далаларидаги бегона ўтларга таъсирини аниқлаш;

тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва гербицидларнинг тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, майсаларнинг қишлаб чиқиши, ўсимликнинг биометрик кўрсаткичлари ва илдиз тизимининг шаклланишида тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва гербицидларнинг таъсирини илмий асослаш;

агротехник ва кимёвий тадбирлар ҳамда кузги буғдой ҳосилдорлиги ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш ва уларнинг дон сифатига таъсирини ўрганиш;

тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва гербицидларни анғизда такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва яшил массасига кейинги таъсирини баҳолаш;

кузги буғдой етиштиришдаги агротехник ва кимёвий тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта, қуйи қисмидаги типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлар, кузги юмшоқ буғдойнинг Купава, Нота навлари, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, Атлантис-3,6%, Пума Супер-7,5%, Гранстар -75% ДФ гербицидлари, маккажўхорининг «Ўзбекистон – 306 МВ» нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети бегона ўтларнинг турлари, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлиги, тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари, гербицидларнинг тур ва меъёрлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсири, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва унинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш синови тажрибаларини қўйиш, тупроқ намуналарини олиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчашлар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», бегона ўтлар сони А.М.Туликов услубий қўлланмалари бўйича аниқланиб, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида «Методика полевого опыта» услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта, қуйи ҳудудларидаги типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой етиштириладиган майдонларда тарқалган бегона ўтларнинг оиласи, тури ва зарар келтириш хусусиятлари аниқланган;

ғаллазорларда кўп учрайдиган ёввойи сули ва қўйтикан уруғларини сунъий фон асосида тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигига кўра тупроқ қатламларида тақсимланиши аниқланган;

Зарафшон воҳаси шароитида агротехник ва кимёвий тадбирларни кузги буғдой далаларидаги бегона ўтларга, тупроқ ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги ҳамда микроорганизмларга таъсири аниқланган ва энг мақбул ишлов бериш усули, чуқурлиги ва гербицид тури, меъёрлари ишлаб чиқилган;

тупроққа ишлов беришни ҳар йили 30-35 см ёки биринчи йили 30-35 см шудгорланиб, кейинги 2-3-чи йилларда юза 14-16 см да (чизелланиб) ишлов бериш ҳамда гербицидлардан Атлантис-3,6% 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ 15 г/га + Пума Супер-7,5% 0,8 л/га меъёрларда биргаликда қўллаш кузги буғдойни ўсиши, ривожланишига, илдиз тизимини тарқалишига, дон ҳосили ва сифатини юқори бўлишини таъминлаши аниқланган;

тупроққа асосий ишлов бериш чуқурлиги, гербицид тури ва меъёрларини такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва яшил массасига кейинги таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Зарафшон воҳасининг юқори қисми (Тайлоқ тумани) ғаллазорларида 58 турга мансуб бегона ўтлар мавжудлиги ва дон ҳосилини 10,8-25,8 ц/га камайтириши аниқланиб, уларга қарши шудгорлашни 30-35 см чуқурликда ҳамда Гранстар-75 % ДФ гербицидини 15 г/га меъёрида уйғунлашган ҳолда қўллаш таъсирида бегона ўтлар 86,8-95,7 фоиз камайишига олиб келган;

воҳанинг ўрта (Иштихон тумани) қисми буғдой экилган майдонларида 60 турга мансуб бегона ўтлар учраши ва дон ҳосилини 6,3-15,0 ц/га

камайтириши аниқланиб, бегона ўтларни йўқотишда тупроққа табақалаштириб ишлов бериш кам йиллик бегона ўтларни 7,6-47,8 фоиз, кўп йиллик бегона ўтларни 7,0-42,8 фоиз камайишига олиб келиши натижасида тупроқ хоссалари яхшиланиб, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш таъминланган;

воҳанинг қуйи (Хатирчи тумани) қисми ғалла майдонларида 62 турдаги бегона ўтлар учраши, шундан бир йилликлар 56,9 фоиз, икки ва кўп йилликлар 3,5-39,6 фоизни ташкил этиши, уларга қарши Атлантис-3,6% - 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ-15 г/га + Пума Супер-7,5% - 0,8 л/га биргаликда қўллаш бир ва кўп йиллик бегона ўтларни 41,6-92,9 фоиз камайтириб, буғдойнинг ўсиши учун қулай шароит яратишга, қўшимча дон ҳосилдорлигини 20,7-24,5 ц/га, дон таркибидаги оқсил миқдори 14,6-14,8, клейковина 29,9-31,1 фоиз бўлишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари умумқабул қилинган услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, тажрибалар ва олинган илмий-амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётда ҳамда ўқув жараёнларида кенг тадбиқ қилинганлиги, уларни Республика ва Халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида буғдойзорлардаги бегона ўтларга қарши тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги, гербицидлар тури ва меъёрларининг тупроқ хоссаларига, бегона ўтлар уруғларининг тарқалиши ва бегона ўтлар тури, миқдорига таъсир этиш механизми илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта, қуйи ҳудудлари шароитида юқори (58,4-67,2 ц/га) ва сифатли (оқсил 14,2-15,0%, клейковина 28,2-31,1%) дон ҳосили етиштиришни ҳамда экинзорларнинг фитосанитар ҳолати яхшиланишини таъминлайдиган тупроққа асосий ишлов беришнинг мақбул усули ва чуқурлиги (шудгорлашни 30-35 см ёки биринчи йили 30-35 см, кейинги 2-3 йилларда 14-16 см) юза ишлов), қулай гербицид тури ва меъёри (Атлантис-3,6%-250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ-15 г/га+Пума Супер-7,5%-0,8 л/га) аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон воҳаси ғаллазорларида тарқалган бегона ўтлар уларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер ва томорқа хўжаликлари учун «Зарафшон воҳасида кузги буғдойни бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.12.2017 й., 02/21-644-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга қўллаш натижасида гектаридан 12,1-21,2 центнер кўшимча дон ҳосили олинган;

Зарафшон воҳасининг суғориладиган типик ва ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой етиштиришда тупроққа ишлов бериш ва гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш технологияси (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.12.2017 й., 02/21-644-сон маълумотномаси) натижасида тупроқ микрофлорасига ижобий бўлган ва тупроқ ҳажм массаси 0,04-0,06 г/см³ камайган, ғоваклиги 1,3-2,0 фоизга ортиши таъминланган;

ғалла майдонларида бегона ўтларга қарши тупроққа асосий ишлов беришни 30-35 см ёки биринчи йили кузги шудгорлашни 30-35 см, кейинги 2-3 йилда 14-16 см чуқурликда чизел билан ишлов бериш ҳамда кимёвий курашда Атлантис-3,6% гербицидини 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ гербицидини 15 г/га + Пума Супер-7,5% ни 0,8 л/га меъёрида биргаликда аралаштириб қўллаш агротехнологияси Самарқанд ва Навоий вилоятларининг суғориладиган ерларидаги фермер хўжаликларида 2012-2017 йилларда жами 517,7 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.12.2017 й., 02/21-644-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 471-931 минг сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 27,4-36,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва СамҚХИ нинг махсус комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та Халқаро, 5 та Республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда институтдаги «Деҳқончилик маданияти ва мелиорация асослари» кафедрасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида эшитилиб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бегона ўтларнинг қишлоқ хўжалик экинларига келтирадиган зарарлари, уларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, кузги буғдой бегона ўтларига қарши тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги, гербицид тур ва меъёрларини тупроқларни агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига ҳамда кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига, экин майдонларини фитосанитар ва экологик ҳолатига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижалари келтирилган ва улар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Зарафшон воҳасининг иқлими қурғоқчил ва континентал бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати шарқий қисмида 4⁰С дан, Ғарбий қисмида 15⁰С гача ўзгариб туради. Эффе́ктив ҳарорат йиғиндиси шарқий қисмининг баланд тоғ ҳудудларида 545-1600 ⁰С, тоғ ва тоғ олдида – 1600-4000 ⁰С, Ғарбий текисликларда – 4000-5150 ⁰С ни ташкил этади. Совуқсиз кунлар 143-214, Хатирчи туманида – 180-200 кун. Воҳанинг текислик қисмида июл ойининг ўртача ҳарорати 25-29 ⁰С (энг юқори 44 ⁰С) тоғли ҳудудларида 7,7-20 ⁰С (энг юқориси – 33 ⁰С). Январ ойида ўртача ҳарорат текисликда 0 дан – 1,3 ⁰С, тоғли ҳудудларда – 3 дан – 10 ⁰С гача, энг паст ҳарорат – 35 ⁰С. Ёғингарчиликларнинг ўртача йиллик миқдори 114-400 мм.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилган Самарқанд ва Навоий вилоятларининг иқлим шароитларини ўзига хос хусусиятлари тез ўзгарувчан-қуруқ ва иссиқ ёз, намгарчилик кўп бўладиган баҳор ва совуқ қиш билан ажралиб туради. Самарқанд вилоятининг барча ҳудудларида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 13,1-14,0 ⁰С атрофида бўлса, бу кўрсаткичлар Навоий вилоятида 13,5-15,2 ⁰С га тенг. Энг совуқ кунлар январь-февраль ойларида кузатилиб, ўртача ҳаво ҳарорати -0,6-2,2, 0,4-2,0 ⁰С, Хатирчида – 2,0-4,0 ⁰С ни ташкил этса, энг юқори ҳаво ҳарорати эса тегишлича 24,5-26,6, 24,8-26,5 ва 27,0-28,8 ⁰С июнь-июль ойларида кузатилади. Ёғингарчиликлар миқдори ўртача йил давомида мос равишда 355,2-367,6 мм ни ташкил этади. Ёғингарчилик, асосан март ва апрел ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғин миқдорининг 55-60 фоизи тушади.

Тадқиқотлар ўтказилган йилларда (2000-2015 йиллар) Гранстар-75% ДФ, Пума Супер-7,5%, Атлантис-3,6% гербицидлари ҳаво ҳарорати +9,4

+12,4 °C да ва ҳавонинг нисбий намлиги 60-65 % бўлганда, 20-25 март кунлари сепилди.

Тадқиқотлар ўтказилган Тайлоқ туманида тарқалган типик бўз тупроқларнинг 28,7 фоиз оғир кумоқли ва лойли, 53,1 фоиз ўрта кумоқ, 15,3 ва 2,9 фоиз енгил кумоқли ва кумлоқли-қумли механик таркибга эга бўлса, Иштихон туманидаги тупроқларда бу кўрсаткичлар тегишлича 46,1; 44,6 ва 9,3 фоизни ташкил этади ва туманда механик таркиби кумлоқли-қумли тупроқлар учрамайди.

Тадқиқотлар ўтказилган Тайлоқ ва Иштихон туманларининг суғориладиган типик бўз тупроқлари ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори, тупроқни ювилганлик даражаси ва суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда кенг доирада тебраниб туради (0,8 дан 1,5 фоизгача). Тупроқдаги азотнинг миқдори 0,04-0,10 фоиз, профилнинг пастки қатламларига қараб гумус миқдори 0,4-0,6 фоизгача камаяди. Углероднинг азотга бўлган нисбати 6 дан 10 гача ўзгариб туради. Ялпи фосфор миқдори 0,16-0,20 фоиз, ялпи калий-1,6-1,9 фоиз. Кесма бўйича карбонатлар текис тақсимланган (8-9 фоиз CO₂), улар янги ҳосилалар псевдомицеллий ва ғуддалар кўринишида ифодаланган.

Тажриба даласи типик бўз тупроқлари ҳайдалма қатламининг ҳажм массаси 1,31-1,34 г/см³, солиштирма массаси 2,60-2,67 г/см³ оралиғида бўлиб, тупроқларнинг ғоваклиги ўртача 49,2-50,2 фоизни ташкил этади.

Тадқиқотлар ўтказилган Зарафшон воҳасининг қуйи қисмидаги Навоий вилоятининг Хатирчи тумани ўтлоқи-бўз тупроқлари ўрта кумоқли, ҳайдалма (0-30 см) қатламида гумус 1,29 фоиз, ялпи озик элементлари миқдори, азот-0,12, фосфор 0,224 ва калий-2,44 фоизни ташкил этса, уларнинг ҳаракатчан шакллари азот билан жуда кам, фосфор ва калий билан кам таъминланган ҳамда агрофизикавий хоссалари бундай шароитда кузги буғдой етиштириб, ундан мўл ва сифатли дон ҳосили олиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Тажрибада фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар ҳар бир вариант ва такрорликларда белгилаб қўйилган (1 м²) модел ўсимликларда «Методические указания по полевому испытанию гербицидов в растениеводстве» (1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича ўтказилган.

Тажрибада кузги буғдойнинг ҳосил структурасини аниқлаш учун ҳосилни йиғиштириб олишдан олдин, ҳар бир вариант ва такрорликларда белгилаб қўйилган (1 м²) пайкалчалардан 100 туп ўсимлик намуналари олиниб, лаборатория шароитида уларда: ўсимликнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар ҳамда 1 м² даги бошоқли поялар сони, бошоқ узунлиги, бошоқ ва бошоқчалардаги донлар сони, бир бошоқдаги ва 1000 та доннинг массаси, 1 м² пайкалчадан олинган дон ва дон чиқиши, доннинг ифлосланганлик даражаси ГОСТ-13586,2-81, шишасимонлиги ва натураси ГОСТ-9353-84 бўйича, ҳосилдорлик-дондаги намлик стандарт (14%) ҳолатга келтирилиб ГОСТ-13586,5-93 бўйича аниқланган.

Доннинг технологик сифати «Методические рекомендации по оценке качества зерна» услуги асосида ҳамда Самарқанд шаҳар №1 нон комбинати лабораторияларида аниқланган.

Тупроқлар таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин усулида (ГОСТ-26213); нитрат азоти ионоселектив усулида, ГОСТ-13496-10; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотометрда П.В.Протасов усулида; дала шароитида тупроқнинг ҳажм массаси 4 такрорликда цилиндр усулида Качинский бўйича; солиштирма массаси 4 такрорликда пикнометрик усулда; тупроқ ғоваклиги ҳисоблаш усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 10 такрорликда Качинский усулида (Методы агрофизических исследований почв Средней Азии) бажарилган.


Тажриба даласида қўлланилган Гранстар-75% ДФ, Атлантис-3,6%, Пума Супер-7,5% гербицидларни ҳар хил меъёрларини тупроқдаги микроорганизмларга таъсири гўшт пептонли агарда (МПА), Чапек муҳитида (Среда Чапека), крахмал-аммиакли агарда (КАА), (Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах) аниқланган.

Кузги буғдой далаларидаги бегона ўтлар сонига тупроққа асосий ишлов бериш чуқурлиги ва Гранстар-75% ДФ, Атлантис-3,6%, Пума супер-7,5% гербицидларининг ҳар хил меъёрларини таъсирини аниқлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган.

1. Бегона ўт босганлигини аниқлашни маршрут ёки чамалаш усули;
2. Бегона ўтларни аниқ стационар усул билан ҳисобга олиш.

Диссертациянинг «**Зарафшон воҳаси кузги буғдойзорларида тарқалган бегона ўтларнинг тур таркиби, экологияси ва тавсифлари**» деб номланган учинчи бобида Зарафшон воҳаси кузги буғдойзорларида тарқалган бегона ўтларнинг таркиби, экологияси ва тавсифлари баён этилган.

Тадқиқотлар асосида Зарафшон воҳасининг суғорилиб дехқончилик қилинадиган кузги буғдойзорларида бегона ўтлар воҳанинг юқори қисмидаги Тайлоқ, ўрта қисмидаги Иштихон ва қуйи қисмидаги Хатирчи туманларида туманларга мос равишда 58, 60, 62 та га яқин тури аниқланиб, шундан: бир йилликлар – 56,9; 51,7 ва 56,5 фоиз, икки ва кўп йилликлар тегишлича 3,44; 4,83 ва 3,2 ва 39,6; 41,6 ва 38,7 фоизни ташкил этган (1-расм). Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, кузги буғдойзорларда келтираётган зарари бўйича бир йиллик бегона ўтлар устунлик қилиб, кузги буғдой дон ҳосилини 7,8-15,0 фоиз, баъзи далаларда эса 10,8-25,8 фоиз камайтирган.



Диссертациянинг «Тупроққа ишлов бериш усуллари ва гербицидларнинг тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хосса-хусусиятларига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида Зарафшон воҳасининг юқори қисмидаги типик бўз тупроқлар шароитида олиб борган тадқиқотларда асосий ишлов бериш чуқурлиги тупроқнинг ҳажм массаси, солиштирма массаси ва ғоваклигига турлича таъсир кўрсатган. Масалан, тажриба майдонининг 20-25 см чуқурликда шудгор қилинган вариантнинг ҳайдалма қатлами (0-25 см) ҳажм массаси кузги буғдойни экишдан олдин ўртача 3 йилда 1,30-1,29 г/см³, солиштирма массаси 2,70-2,66 г/см³, ҳайдалма остки (25-50 см) қатламида мос равишда 1,40-1,35 г/см³ ва 2,72-2,71 г/см³ бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар кузги буғдой вегетация даври охирида ушбу вариантнинг 0-25 см қатламида 1,32-1,33 г/см³ ва 2,69-2,62 г/см³, 25-50 см қатламида эса 1,42-1,38 г/см³ ва 2,72-2,65 г/см³ ни ташкил этган. Кузги буғдой уруғларини экиш олдида чуқур (30-35, 35-40 см) ишлов берилган вариантларнинг 0-25 см қатламида 1,29-1,26; 1,28-1,26 г/см³, 2,68-2,65 ва 2,64-2,56 г/см³ ни ташкил этган бўлса, вегетация даври охирида 0-25 см қатламда 1,30-1,28; 1,31-1,32 ва 2,67-2,60; 2,63-2,65 г/см³ бўлган. Умуман, Зарафшон воҳаси юқори қисмидаги типик бўз тупроқлар шароитида, тупроққа асосий ишлов беришни 30-35 см чуқурликда ўтказиш, тупроқ ҳажм массасини 0,02-0,04 г/см³ га камайтириб, ғоваклигини 0,9-1,3 фоизга оширган.

Зарафшон воҳасининг ўрта қисмидаги тажриба даласи тупроқларининг ҳажм массаси кузги буғдойнинг вегетация даврининг охирига келиб, ҳайдаш усуллари ва чуқурлигидан қатъий назар, экишдан олдинги кўрсаткичлардан нисбатан ортганлиги, ўрганилган қатламларда кузатилди. Шудгорлаш 25-30 ва 30-35 см чуқурликда ўтказилган майдонларнинг 0-20 см қатламидаги ҳажм массаси ва ғоваклиги, кузги буғдой уруғларини экишдан олдинги (1,31-1,29 г/см³, 50,2-51,3 фоиз) кўрсаткичларидан тегишлича 0,04-0,05 г/см³ га ортганлиги, 0,8-1,3 фоизга камайган. Тупроққа чизел билан 14-16 см ва юза (борона) 4-6 см чуқурликда ишлов берилган майдонларнинг тупроқ ҳажм массаси вегетация даврининг охирига келиб, 0-20 см қатламда кескин


ортганлиги (1,41-1,42 г/см³) ва ғоваклиги камайганлиги (47,6-47,3 фоиз) ёки дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ҳажм массасини 0,02-0,03 г/см³ га ошганлиги ва ғоваклиги 0,5-0,6 фоизга камайишига олиб келган.

Воҳанинг юқори қисмида шудгорлаш 30-35 ва 35-40 см чуқурликда ўтказилган вариантлар тупроқларини сув ўтказувчанлиги экишгача бўлган даврда 6 соат давомида мос равишда 702,0 ва 725,9 м³/га, вегетация даври охирида эса 596,3-622,5 м³/га ни, бу кўрсаткичлар 25-30, айниқса, 20-25 см чуқурликда шудгор қилинган вариантларга нисбатан 33,8-57,7; 41,5-67,7 ва 76,5-100,4; 102,6-128,8 м³/га кўплиги аниқланган.

Зарафшон воҳаси ўрта қисмида (2008-2009 йй.) шудгор 20-25 см чуқурликда ўтказилган назорат вариантда кузги буғдойни экишгача бўлган даврнинг 1-чи соатида 148,3 ёки жами 3 соатда 378,3 м³/га, тажрибанинг 4-5-6-чи соатларида 242,3 ёки жами 6 соат давомида 620,6 м³/га сув ўтказган бўлса, бу кўрсаткичлар ўсимликнинг вегетация даври охирида мос равишда, 115,6 ёки 317,1 м³/га, 193,2 ёки 510,3 м³/га бўлган. Худди шундай ҳолат 2009-2010 ва 2010-2011 йилларда ўтказилган тадқиқотларда ҳам ҳисобга олинган.

Тадқиқотларда тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини тупроқ микрофлорасига таъсирини кўрсатишича, тажриба даласининг назорат (шудгор 20-25 см чуқурликда) варианты тупроқлари таркибидаги микроорганизмлар миқдори (0-15 см қатламда) кузги буғдой вегетация даврнинг бошида бактериялар - 47,5 млн дона, азотфиксаторлар - 44,1 нитрификаторлар - 58,5, замбуруғлар-77,8 минг дона 1 г тупроқда аниқланган бўлса, бу кўрсаткичлар 30-35 см да шудгор қилинганда мос равишда, 8,1 млн дона юқори, 9,0; 8,9; 5,8 ва 1,3 минг дона кам; 14-16 см чуқурликда чизелланганда - 9,0 кўп 8,5; 8,2; 4,9 ва 0,2; юза 4-6 см чуқурликда ишлов берилганда - 13,1 кўп, 8,4; 8,0; 5,0 ва 0,2 кам; 30-35 см чуқурликда шудгор, кейинги 2-3 йилларда юза ишлов ўтказилганда - 11,1 кўп, 8,3; 7,5; 2,8 ва 0,1 минг дона кам бўлганлиги аниқланган. Шундай қилиб, тупроққа турли ишлов беришни чизел билан 14-16 см, юза ишлов 4-6 см чуқурликда, айниқса, шудгорлаш 30-35 см чуқурликда ва кейинги 2-3 йилларда юза юмшатиш ўтказилганда тупроқдаги фойдали микроорганизмлар сони ортиб, уларнинг фаолияти жадаллашиб тупроқ унумдорлиги ортишига ижобий таъсири баён қилинган.

Воҳанинг қуйи қисми ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида, кузги буғдой бегона ўтларига қарши қўлланилган гербицидлар тупроқ микрофлорасига салбий таъсир кўрсатмаганлиги ҳамда Атлантис-3,6% 250, Пума Супер-7,5% 0,8 л/га, Гранстар-75% ДФ 15г/га + Пума Супер-7,5% 0,8 л/га қўлланилгандан 15 кун ўтгач тупроқ таркибидаги бактериялар сони ҳайдалма (0-15 см) қатламда 1,2-1,0-1,7 млн донага оширган ҳолда нитрификаторларни 8-20-17 мингтага камайтиргани, замбуруғлар ва актиномицетларни эса тегишлича 48-51-51 ва 10,7-10,6-10,9 минг/г тупроқда юқори бўлган (2-расм).



Диссертациянинг «Тупроққа ишлов бериш усуллари ва гербицидларнинг кузги буғдой далаларида тарқалган бегона ўтларга, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосили ва сифатига таъсири» деб номланган бешинчи бобида кузги буғдой далаларидаги бегона ўтлар ва уруғларини тарқалишига, буғдой уруғларини унувчанлиги, қишлаб чиқиши, ривожланиш даврлари, умумий ва маҳсулдор поялар сони, илдиз тизимининг ривожланиши, ҳосил структураси, дон ҳосили ва сифатига тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги, гербицид тур ва меъёрларини таъсири бўйича маълумотлар берилган.

Тадқиқотларда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини бир йиллик қўйतिकан ва ёввойи сули уруғларининг тупроқ қатламлари бўйича тарқалишига таъсири сунъий фон асосида ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини қўйतिकан ва ёввойи сули уруғларини тупроқ қатламлари бўйича тарқалишига таъсири, % ҳисобида (2009-2010 йй.)

Намуна олинган қатлам, см	Тажриба вариантлари				
	Назорат, шудгор 20-25 см	Шудгорлаш 25-30 см	Шудгорлаш 30-35 см	Юза ишлов (чизел) 14-16 см	Юза ишлов (борона) 4-6 см
0-5	9,3/6,6	6,5/4,8	2,2/0,0	39,4/19,2	63,4/87,8
5-10	13,5/9,2	8,7/6,7	3,6/1,3	28,7/47,3	36,6/12,2
10-15	17,1/14,8	11,4/9,2	5,2/6,5	24,5/32,4	0,0/0,0
15-20	26,8/35,5	15,7/15,6	8,3/9,2	7,4/2,1	0,0/0,0
20-25	33,3/32,7	24,8/25,5	14,4/19,8	0,0/0,0	0,0/0,0
25-30	0,0/0,0	32,9/36,2	29,5/37,2	0,0/0,0	0,0/0,0
30-35	0,0/0,0	0,0/2,0	36,8/26,0	0,0/0,0	0,0/0,0

Изоҳ: суратда қўйतिकан бўйича, махражда ёввойи сули бўйича маълумотлар

Тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлиги бир йиллик бегона ўтлар кўйтикан ва ёввойи сули уруғларининг тупроқ қатламлари бўйича тарқалишига ва униб чиқишига сезиларли таъсир кўрсатганлиги аниқланган.

Шудгорлаш 20-25 см чуқурликда ўтказилган назорат вариантда кўйтикан ва ёввойи сули уруғларининг 100 фоизи 0-25 см қатламда тарқалганлиги, 30-35 см чуқурликда шудгорланганда эса жамига нисбатан 66,3-63,2 фоиз уруғлар тупроқнинг 25-35 см қатламида ҳамда юза ишлов берилган (4-6 см) майдонда эса ҳар иккала бегона ўт уруғларининг 100 фоизи тупроқнинг 0-10 см қатламида тарқалиши аниқланган.

Воҳанинг юқори қисмидаги типик бўз тупроқлар шароитида шудгорлаш 30-35 см чуқурликда ўтказилиб, Гранстар-75% ДФ гербициди 15 г/га меъёрида кузги буғдойни тупланиш даврида қўлланилганда, ғаллазорлардаги бир йиллик бегона ўтларни 86,8-95,7 фоиз, кўп йилликларни эса 28,0-38,2 фоиз гача нобуд қилган бўлса, воҳанинг ўрта қисми типик бўз тупроқлар шароитида шудгорлашни 30-35 см ёки биринчи йили шудгорлашни ушбу чуқурликда, кейинги 2-3-чи йилларда чизел билан 14-16 см да ишлов берилганда, жами бегона ўтлар сонини дастлабки кўрсаткичига нисбатан 47 фоизга, шундан, кам ва кўп йилликларни тегишлича 47,8 ва 42,8 фоизга ресурстежамкор технологияда эса, юқоридагиларга мос равишда 5,2; 7,2 фоизга камайтирган ҳолда кўп йилликлар эса, 1,6 фоизга ортганлиги аниқланган, ушбу шароитда тупроққа асосий ишлов бериш чизел билан 14-16 см ёки юза 4-6 см (борона) чуқурликда ўтказилган пайкалчаларда кам йилликлар бошланғич кўрсаткичига нисбатан, 6-8 дона/м² га, кўп йилликларни эса 1-2 дона/м² да кўпайганлиги кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба даласида тарқалган бегона ўтлар, 1 м² да дона ҳисобида (2008-2011 й.)

Тажриба вариантлари	Тупроққа ишлов беришдан олдин			Кузги буғдой найчалаш даврида		
	Кам йилликлар	Кўп йилликлар	Жами	Кам йилликлар	Кўп йилликлар	Жами
1. Назорат. Шудгор 20-25 см	55	10	65	43 (21,8)	8 (20,0)	51 (21,5)
2. Шудгор 25-30 см	53	8	61	35 (33,9)	6 (25,0)	41 (32,7)
3. Шудгор 30-35 см	46	7	53	24 (47,8)	4 (42,8)	28 (47,1)
4. Чизел 14-16 см	69	11	80	75	11	86
5. Юза ишлов 4-6 см	78	11	89	86	13	99
6. Шудгор 30-35 см + 2-3 йилларда чизел 14-16 см чуқурликда	52	6	58	48 (7,6)	7	55 (5,2)

Изоҳ: қавс ичидаги сонлар бегона ўтларни фоиздаги камайиши

Воҳанинг қуйи қисмидаги ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойзорлардаги бир ва икки паллали бегона ўтларга қарши гербицидларни ҳар хил тур ва меъёрларини таъсирига қараганда, ўртача 3 йилда кам йиллик, бир ва икки паллали бегона ўтлар тегишлича, 12-18 ва 32-37 дона/м², кўп йилликлар 10-12 дона/м² да мавжудлиги аниқланган бир шароитда, Атлантис-3,6% гербициди 200, 250, 300 г/га қўлланилгандан кейин, кўрсатиб ўтилган

бир ва икки паллали бегона ўтларни 1 м² миқдорини 72,7-94,1 ва 72,9-87,8 фоиз, кўп йилликларни 30,0-41,6 ёки жами 1 м² даги бегона ўтларни 65,5-82,2 % нобуд қилган бўлса, Пума Супер-7,5% - 0,6; 0,8; 1,0 л/га ишлатилганда бир паллали бегона ўтларга таъсири Атлантис-3,6% қараганда бир оз пастрок бўлиб, ўртача 40,0-45,7 фоизни йўқотганлиги қайд этилган.

Қўлланилган гербицидлар меъёрларини ортиши билан бир вақтда, уларнинг таъсири ҳам юқори бўлган, аммо Атлантис-3,6% 250-300 г/га, Пума Супер-7,5% 0,8 - 1,0 л/га ҳамда Гранстар-75% ДФ – 15 г/га + Пума Супер-7,5% -0,8 ва 1,0 л/га қўлланилганда, бир ва икки паллали ҳамда жами 1 м² даги бегона ўтларга таъсири бўйича кўрсатиб ўтилган меъёрлар ўртасидаги фарқ жуда кам бўлиб, 1,3-3,4 ва 0,7-8,0 ҳамда 1,1-2,6 фоиз ни ташкил этган, холос.

Зарафшон воҳасининг юқори ва ўрта қисмидаги типик бўз тупроқлари шароитида шудгорлашни 30-35 см чуқурликда ўтказилганда, кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, бошқа ишлов бериш чуқурликларига (20-25; 25-30 см) нисбатан 0,7-2,5 ва 4,3 фоизга юқори бўлиб, ўртача 84,7-85,3 ва 90,3-91,8 фоизни, қишлаб чиққан ўсимликлар миқдорини 91,6-92,2 ва 89,0-91,3 фоизга таъминлаган.

Воҳанинг қуйи қисми ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой бегона ўтларига қарши ишлатилган гербицидлар тур ва меъёрларини ўсимликнинг яшовчанлигига бўлган самарали таъсири намоён бўлган ва ушбу шароитда Атлантис-3,6% - 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ-15 г/га + Пума Супер-7,5% - 0,8 л/га биргаликда кузги буғдойни тупланиш даврида қўлланилган пайкалчаларда энг юқори миқдорда (368-384 дона/м² ёки 83,6-87,3 фоиз) ўсимликлар сақланиб қолишини таъминлаганлиги ҳисобга олинди.

Воҳанинг ўрта қисмида шудгорлаш 30-35 см ва биринчи йили шудгорлаш 30-35 см, кейинги 2-3 йилларда чизел билан 14-16 см чуқурликда ресурстежамкор усулда ишлов берилган пайкалчалардаги ўсимликлар баланд бўйли (97,3-95,5 ва 96,6-85,6 см) бўлиб, уларда энг юқори миқдорда умумий (481,2-505,7 ва 493,4-438,1 дона/м²) ҳамда маҳсулдор (392,3-393,9 ва 378,1-331,2 дона/м²) поялар шаклланиган бўлса, воҳанинг қуйи қисмидаги ўтлоқи-бўз тупроқлари ғаллазорларида тарқалган бегона ўтларга қарши Атлантис-3,6% 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ гербицидини 15 г/га + Пума Супер-7,5% гербицидини 0,8 л/га меъёрларида биргаликда қўллаш ҳисобига кузги буғдой бўйи назоратга (гербицид қўлланилмаган) нисбатан 11,5-14,6 см, умумий ва маҳсулдор поялар сони тегишлича 104,9-99,1 ва 83,2-87,9 дона/м² ортган.

Воҳанинг юқори қисмида асосий ишлов бериш чуқурлиги кузги буғдой бегона ўтларига самарали таъсир кўрсатиши билан бир вақтда, чуқур (30-35, 35-40 см) шудгор қилинган ерларда буғдой илдизларининг жадал шаклланиши, кучли ривожланиши (тупроқни 0-30 см қатламида 58,41-56,82 ва 30-60 см да 24,80-25,21 фоиз илдиз қуруқ массаси ҳосил қилиши), айниқса, фаол илдизларни кенг доирадаги тупроқларни қамраб олиши, ўсимликни сув ва озик моддаларга бўлган талабини узлуксиз таъминлаши кузатишган.


Воҳанинг юқори қисмида тупроққа асосий ишлов бериш 30-35 см чуқурликда ва Гранстар-75% ДФ 15 г/га меъёри қўлланилганда, кузги

буғдойнинг бошоқ узунлигини 9,8 см ва бошоқчалар сони 19,8 дона, бошоқдаги донлар 45,4 дона ва уларнинг массаси 1,80 бўлишини таъминлаб, кўрсатилган меъёрда Гранстар-75% ДФ қўлланилган ва шудгорлаш 20-25 ва 25-30 см чуқурликда ўтказилган пайкалчалардаги ҳосил структураси даражасидан мос равишда 1,7-1,4 см, 2,3-1,8 ва 7,2-5,8 дона ҳамда 0,31-0,29 г кўп шаклланган.


Воҳанинг ўрта қисмида кузги буғдой ҳосил элементларини шаклланишига энг қулай шароит шудгор 30-35 см ҳамда манба тежовчи технологияда, яъни биринчи йили 30-35 см чуқурликда шудгор, кейинги 2-3 йилларда 14-16 см да чизел қилинган майдонларда яратилиб, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони, бошоқдаги дон ва 1000 та дон массасини бошқа ишлов бериш усуллари ва чуқурлиги қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдой кўрсаткичларидан тегишлича 0,5-0,7 см; 4,5-2,5 дона, 0,24-0,25 г, 2,7-2,1 г юқори бўлишига имконият яратилган.

Кузги буғдойзорларда тарқалган бегона ўтларга (бир, кўп йиллик икки паллали ҳамда бошоқлилар) қарши курашишда Атлантис -3,6% гербициди 250 г/га ёки Гранстар-75% ДФ – 15 г/га + Пума Супер – 7,5% – 0,8 л/га аралашмаси қўлланилганда, бошоқ узунлиги назорат гербицидсиз вариантдаги кўрсаткичларга нисбатан 1,9-1,7 см, бошоқдаги донлар сони ва уларнинг массасини тегишлича 3,8-6,8 дона ва 0,22-0,43 г., 1000 та дон массаси эса 3,7-4,2 г юқори бўлган.

Таҷрибаларда ҳосилдорликни ва тупроққа ишлов бериш чуқурликлари ҳамда гербицид меъёрлари орасида кучли ($y=a+bx-cx^2$) ижобий корреляцион ($r>0,7$) боғлиқлик аниқланган.



Зарафшон воҳасининг юқори қисмидаги типик бўз тупроқлар шароитида, кузги буғдой бегона ўтларини йўқотишда тупроққа асосий ишлов беришни энг мақбул чуқурликда (30-35 см) ўтказиб, гектарига 15 г Гранстар-75% ДФ гербицидини ўсимликни тупланиш даврида қўллаганда, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил структураси шаклланиши учун энг қулай шароит яратилган.



Воҳанинг ўрта қисмида жойлашган Иштихон туманининг типик бўз тупроқларида тупроққа ишлов бериш усуллари ва кузги буғдой дон ҳосили орасида кучли ($y=35,04+3,82x$) ижобий корреляцион ($r=0,91$) боғлиқлик борлиги аниқланган. Тажриба майдонида етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили, унинг бегона ўтларига қарши курашишда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигига узвий боғлиқлигини тасдиқлаган. Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигига кўра, дон ҳосилдорлиги тажриба ўтказилган йиллар (2009, 2010, 2011 йй.) бўйича тегишлича 47,6-57,5; 43,7-48,4; 42,9-47,1 ц/га ёки ўртача уч йилда 44,7-51,0 ц/га ни ташкил этган (3-жадвал).

3-жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари ва кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири, Иштихон тумани (2009-2011 йй.)

Тажриба вариантлари	Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосилдорлик	
	2009 й.	2010 й.	2011 й.		ц/га	%
2. Шудгор 25-30 см	53,4	51,3	52,9	52,5	7,8	117,4
3. Шудгор 30-35 см	60,8	59,7	58,6	59,7	15,0	133,5
4. Чизел 14-16 см	42,7	43,2	40,8	42,2	-	-
5. Юза ишлов 4-6 см	42,9	41,3	37,0	40,4	-	-
6. Шудгор 30-35 см + 2-3 йилларда чизел 14-16 см	57,5	48,4	47,1	51,0	6,3	114,0
ЭКФ ₀₅ =	2,92	2,96	2,90			
Sx% =	1,82	1,96	1,98			

